Ádebiyattanıw

УДК 3 98.9 (575.1)

ФОЛЬКЛОР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАРИХАН СИНКРЕТЛИГИ

О.М.Ахмедова – *филология фанлари номзоди*
Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти

Таянч сўзлар: фольклор, журналистика, протожурналистика, синкретлик.
Ключевые слова: фольклор, публицистика, протожурналистика, синкретизм.
Key words: folklore, journalism, proto-journalism, syncretism.

Кириш. Моддий ва маънавий бойликлар яратиш инсониятга азалу абад табиатан хос фазилатлардир. Чунки у табиат фарзанди сифатида моддий неъматларсиз яшай олмаганидек, жамият фарзанди сифатида маънавий қадриятларсиз истиқболсиз ҳамдир.

Ибтидоий даврларда инсоннинг моддий ва маънавий олами худди Сиам эгизакларидай ажралмас эди. Қадим замонлардан инсон жамоада, жамиятдагина шаклланиши мумкинлиги барчамизга аён. Тасодиф билан ҳайвонлар оламига тушиб қолган болаларнинг инсонлик хусусиятларини йўқотиб қўйганлиги ҳақида мисоллар, бадиий асарлар истаганча топилади.

Жамоат ва жамият эса, хабар, мулоқотларсиз мавжуд бўлмайди. Бугунги кунда АҚШ олими Жон Дуйи айтган «жамият бу – коммуникациядир», деган фикрни ахборотларнинг инсоният ҳаётидаги аҳамиятига гувоҳ бўлган ҳар бир киши айтиши мумкин.

Маълумки, *коммуникация* атамаси лотинча *communicatio/communicare* сўзларидан олинган бўлиб, этимологик маъноси – умумий қилмоқ, боғламоқдир [1:395]. Журналистика соҳасида у мулоқот, хабар, алоқа маъноларини англатади. Шунингдек, журналистикада оммавий коммуникациялар тарихан икки даврга тасниф қилинади:

«I давр – матбуотгача бўлган оммавий коммуникациялар;

II – матбуот, радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши ва ривожланиши» [2:8].

«Жаҳон журналистикаси тарихи» дарслигининг муаллифларидан бири Ф.А.Мўминов ҳар бир даврни тўрт босқичга бўлиб, иккинчи даврнинг тўртинчи босқичини мифологик ижод босқичи, деб атайди ва бу босқичда публицистик – шеърий – драматик – насрий ижод бир-биридан ажралмаганлигини оммавий коммуникациялар тарихидаги синкретикликдан деб изоҳ беради [2:9].

Синкретизм юнонча *sykretismos* – *бирлашма* сўзидан олинган бўлиб, саьнат назариясида уруғчилик тузумида инсоннинг диний-фалсафий ва бадиий тафаккури яхлитлиги (мас., мифология)ни билдиради. У назария ва атама сифатида, асосан, академик А.Н. Веселовский ишларида қарор топди. Ибтидоий жамиятда адабиёт, фалсафа, мифология аралаш бўлган. Кишилар мусиқа жўрлигида рақсга тушишган, айни пайтда қўшиқ айтишган.

«Мусиқа ва ҳаракатлар билан куйланган қадимий қўшиқлар хор шаклида бўлиб, – дейди А.Н.Веселовский, – замонавий поэтиканинг айрим кўринишларида ҳозир ҳам ўзининг қадимий изларини қолдирган. Улар маросим, аграр, маиший ва қаҳрамонлик қўшиқлари эди» [3:81].

Ҳозирги пайтда санъатдаги жумладан, фольклордаги синкретлик деганда, одатда, ибтидоий маданиятда рақс, мусиқа, қўшиқнинг бир пайтда ижро этилганлиги тушунилади. «Бундай ҳолат ҳозирги кунгача маълум даражада сақланиб қолган бўлса-да, музика, рақс ва қўшиқ санъат турлари сифатида мустақил ҳисобланади» [4:281].

Оммавий коммуникация, оммавий ахборот воситалари – ўз номи билан мулоқот, восита. Шу маънода энг қадимда ҳам, ҳозир ҳам ахборотнинг қандай восита орқали етиб келгани эмас, мазмуни устувор аҳамият касб этади.

Модомики, **ибтидоий санъат синкретизми** атамаси илмий истеъмолга сингиб кетган экан, ибтидоий санъат деганда қадимги нақшчилик, рассомлик, кулоллик, каштачилик, ҳайкалтарошлик, чизмачилик, мусиқа, қўшиқ, оғзаки ижодиёт ва бошқалар тушунишини доимо назарда тутишимиз керак. Чунки ибтидоий санъат ибтидоий одамнинг маиший ҳаёти, меҳнат фаолияти, диний эътиқодлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шу маънода А.Н.Веселовскийнинг юқоридаги фикри жуда мукаммалдир. Чунки маросимлар диний эътиқодлар билан, аграр ва маиший қўшиқлар маросимлару меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган.

Тўғри, қадимда бирор тош ёки жонивор сиғиниш объекти ҳам бўлган. Аммо мифологиясиз, инсоннинг бевосита унга бирор белги қолдиришисиз объект сифатида қолаверади. Ахборот воситаси бўлолмайди, яъни ахборотни сақламайди ҳам, узатмайди ҳам. Аммо унга ёзилган ёзув, расм, улар ҳақидаги ривоят, афсоналар фольклоршуносликнинг ҳам, журналистиканинг ҳам объекти бўла олади. Ибтидоий маданият ахборот воситалари билан фольклор синкретизми деганда, биз ана шуни назарда тутамиз.

Журналистика фани намояндалари ибтидоий коммуникацияларнинг умумий синкретик характери дейишганда, ибтидоий коммуникациянинг дастлабки шакллари сифатида сеҳргарлик, ғор ва қоялардаги тасвирлар, буюмлардаги нақшлар, бонг уриш, қўнғироқ чалиш, олов ёқиш, тутун чиқариш, мусиқавий коммуникация – қўшиқ, белгили коммуникациялар – асо, узук, махсус боғланган белбоғ, бош кийими, муҳр, буюмли хат, расмли хат, қушлар, тери, суяк, ёғоч, лой, тош, мато ва бошқаларни назарда тутадилар. Шунингдек, қадимги давр журналистикасини протожурналистика, энг қадимий журналистика, ибтидоий журналистика деб атайдилар [2:24-42,52-56].

Протожурналистика даври ва қадимги давр фольклори бир вақтнинг ўзида воқе бўлганлиги, аниқроғи, уларнинг синкретик характери бизгача етиб келган фольклор намуналарида бадиий-поэтик деталлар, образлар сифатида сезиларли даражада сақланиб қолган.

Фольклор ва ахборот воситаларининг ибтидоий санъат давридаги синкретлиги ҳозир замонавий шаклларда давом этмоқда. Бу фикримизни изоҳлаш учун бир масалага тўхталсак. Маълумки, фольклор:

1. Қадимги давр фольклори.
2. Анъанавий фольклор.
3. Замонавий фольклор асарларидан иборат.

Қадимги давр фольклори протожурналистика даври билан жуда кўп жиҳатдан синкретикдир. Қиёсий қулайлик учун биз журналистика тарихини ҳам қуйидагича тасниф қилишни тавсия этамиз:

1. Протожурналистика.
2. Анъанавий оммавий ахборот воситалари – газета, журнал, рисола ва шу кабилар. – Анъанавий журналистика.
3. Замонавий оммавий ахборот воситалари – радио, телевидение, компьютер, интернет. – Замонавий журналистика.

Ушбу тасниф анъанавий ОАВнинг сақловчи ва узатувчи асосий материали қоғозлигини, замонавий ОАВ-

нинг техник воситалардан фойдаланишини, уларнинг турли тарихий босқичларда пайдо бўлганини назарда тутибгина қолмай, балки фольклор ва ОАВ синкретлигини ҳам ҳисобга олади. Чунки газета, журналларда фольклор матнларигина берилса, радио уларнинг мусиқаси ва матнини ҳам сақлай олади. Телевидение, компьютер ва интернет эса ибтидоий санъат синкретизми каби рақсни ҳам, куйини ҳам, сўзни ҳам, маросимни ҳам эшиттириш, кўрсатиш имкониятига эга. Айни пайтда радио, телевидение, компьютер ва интернет ахборотни қабул қилиш хусусияти, тезкорликда ҳам анъанавий ахборот воситаларидан кескин фарқ қилади. Айни пайтда, профессор Ф.А.Мўминовнинг қуйидаги фикри алоҳида эътиборга лойиқ: «Оммавий коммуникациялар чизмаси ибтидоий қабилада ҳам, бугунги жамиятда ҳам бир хилдир. Бундай шартли тасвир тўртта асосий қисмдан иборат: оммавий ахборот ишлаб чиқарувчилар – тайёр маҳсулот – узатувчи восита – аудитория» [2:22].

Фольклор ва ОАВ ҳамкорлиги нуқтаи назаридан келиб чиқсак, бу чизма шундай бўлади: халқ – фольклор – ОАВ – аудитория.

Анъанавий ва замонавий ОАВда фольклорни ёритишда фольклоршунос, журналист, киношунос, мусиқашунос, санъатшунос, театршунос, ёзувчи ва ҳ.з. жуда кўп соҳа вакилларининг хизматини кўрамиз ва уларнинг меҳнатини замонавий фольклор ҳамда ахборот воситалари синкретизмининг маҳсулоти дейишимиз мумкин.

ОАВни пайдо бўлиш даври, синкретлиги, имкониятлари жиҳатидан тасниф қилар эканмиз, назарий жиҳатдан муҳим бир масалага тўхталиб ўтиш зарур. Бу шундан иборатки, кейинги пайтларда жаҳон, жумладан, ўзбек журналистикасида ҳам компьютер журналистикаси, интернет журналистикаси каби атамалар кенг қўлланила бошланди [5:57-78]. Бизнингча, бу атамалар мантиқан нотўғри. Чунки журналистикани журналистлар, фольклоршуносликни фольклоршунослар яратган ва шундай бўлиб қолади. Қанчалик чексиз имкониятларга эга бўлмасин, компьютер ҳам, интернет ҳам ўз-ўзича ахборотни тўплаб, узатиб, қабул қилиб, мустақил ижод қила олмайди. Улар Ф.А.Мўминов чизмасига кўра, протожурналистика, анъанавий ва замонавий журналистикадаги каби узатувчи восита бўлиб қолаверади. Бу чизмага интернетга нисбатан қабул қилувчи ва узатувчи восита, деб ўзгартириш киритиш мумкин, холос. Иккинчидан, юқоридаги атамаларни қабул қилсак, интернет фольклоршунослиги, интернет фалсафаси, интернет сиёсатшунослиги каби ўнлаб атамаларни ҳам ишлатишга тўғри келади. (Бу эса мантиққа зид иш бўлар эди). Қолаверса, интернет компьютер техникасининг бир йўналишидир холос.

Компьютер ва интернетнинг тарихи, ўзига хосликлари ва юқоридаги атамалар ҳақида сўз юритар экан, таниқли журналист Х.Дўстмуҳаммад шундай деб ёзади: «Компьютер журналистикаси» истилоҳи ҳақида сўз борганда, дунё тажрибасида на бу истилоҳга, на «компьютер ахбороти» атамасига тугал изоҳ топилмаганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди» [5:63].

Шу ўринда фольклор ОАВга нисбатан хусусийлик, ОАВ фольклорга нисбатан умумийлик характерига эга эканини айтиб ўтиш жоиз. Бошқача айтганда, ОАВда фольклор асарларининг ёритилиши ва талқини у қамраб оладиган сон-саноқсиз мавзулар, муаммоларнинг ички кўринишларга бўлинадиган биргина туридир, холос. Бироқ бу фольклорнинг ҳам, ОАВнинг ҳам аҳамиятини заррача камситмайди.

Ўзбекистон ОАВнинг фольклорга нисбатан бош вазифаси – ўзининг беқиёс имкониятлари даражасида халқ оғзаки ижодидан миллий истиқлол ғоясини амалга оширишда фойдаланиш, баркамол авлодни тарбиялаш, енгилмас куч бўлган юксак маънавиятимизни тобора бойитиб боришга кўмаклашиш, бугунга ва келажакка онгли равишда хизмат қилдириш мақсадида анъанавий фольклор замирида унинг замонавий яшаш шаклларини таъминлаш, яратишдан иборат. Бу эса мустақиллигимизнинг ҳам эҳтиёжи, ҳам талабидир.

Фольклор ва фольклоршунослик, журналистика ва ОАВнинг тизимлари, қонун-қоидалари, тамойиллари, аҳамияти, спецификаси турлича бўлса-да, улар ана шу нуқтада бирлашадилар ва тарихий асослари ибтидоий маданият даври билан боғлиқ бўлган ўзига хос замонавий синкретликни намойиш қиладилар.

Баъзан тасодифий бир хабар кишининг келгусидаги бирор-бир фаолиятига сабаб бўлиши мумкин. Умуман олганда, келгуси фаолияти учун мақсадли равишда дастлабки ахборотларни эгаллаш, объектни аниқлаш фольклоршунослик ва журналистиканинг тамойилларидан биридир. Негаки, ҳаётда биз учун кераксиз ахборотлар ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Фольклоршунос ва журналистнинг доимий фаолиятини объект ҳақида ахборот олиш – объектни топиш ва ундан янги объект ҳақида ахборот олиш ва ҳ.з. – ахборотларни, улар асосидаги материалларни ишлаш – узатиш учун восита топиш – аудиторияга етказиш шаклида ифодалаш мумкин. Бу фаолиятнинг самараси эса улар тайёрлаган маҳсулотни аудитория қандай қабул қилгани билан ўлчанади.

«Инсоннинг асосий эҳтиёжларидан бири ўзаро фикр алмашув, ўзаро кечинма алмашув – ҳамдардликдир. Фольклор асарлари айтувчи ва тингловчи ўртасидаги жонли муносабат жараёнида амал қилади, ўзаро муносабат, ўзаро таъсир фольклор амал қилишининг муҳим шартларидан бўлиб ҳисобланади. Қисқача қилиб айтганда, муайян ахборотни оммавий тарзда етказиш фольклорнинг ҳам мақсадини ташкил этади. Бу – ахборотнинг ахлоқий, фалсафий ёки бадиий хоссаси, бу, ўзига хос муайян масаладир. Шу маънода фольклор журналистиканинг ҳам аждоди деб қаралади» [6:3].

Журналистика "умуман, ижтимоий тизимнинг бир қисмигина эмас, балки жамиятнинг махсус ижтимоий институти ҳамдир".

"Журналистика ҳақидаги фаннинг марказий категорияси оммавий ахборотдир. У мутахассисларга эмас, балки оммавий аудиторияга йўналган бўлиб, кишиларни касбий масалаларга эмас, умумижтимоий масалаларга жалб этади, аудитория эҳтиёж ва манфаатларига жавоб берган ҳолда бу ижтимоий муаммолар бўйича кишиларнинг ягона позициясини яратишга интилади" [6:3].

Фольклор ва ОАВнинг мана шу хусусиятларини назарда тутган ҳолда, айтиш мумкинки, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги тарихан шартланган. Лекин бу ҳамкорлик – тарихий шароит тақозосига кўра, – кучайиб ё сусайиб туриши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги таҳлил ва кузатишларимиздан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Моддий ва маданий бойликлар яратиш, ахборот алмашув, мулоқот ибтидоий жамоа тузуми даврларидан бошлаб жамият мавжудлигининг энг асосий шартидир. Қадимги давр журналистикаси – протожурналистика ва фольклори синкретик характерда бўлиб, фольклор ташувчилари, қадимги давр мифологияси, архаик динлар, фольклор ибтидоий ахборот воситалари ҳам эди.

2. Қадимги давр ибтидоий оммавий ахборот коммуникциялари билан фольклор синкретизми излари оғзаки ижодда тош, узук, сирға, суяк каби ўнлаб бадиий деталлар, қушлар ва бошқа кўплаб мифологик образлар, туш талқини – таъбири, фольклор онамастикаси, халқ қўшиқларида сезиларли даражада сақланиб қолган.

3. Яратилиш даври, оғзакилиги, анъанавийлиги, анонимлиги, вариантлилигига кўра, фольклор асарларини, яратилиш даври, ахборотни етказиш воситаси, тезкорлиги, синкретлигига кўра, оммавий ахборот воситаларини анъанавий ва замонавий турларга тасниф қилиш фольклор ва унинг ОАВда ёритилиши, талқини тамойилларини ўрганишда энг мақбул йўллардан биридир.

4. Фольклоршуносликнинг ўз спецификаси, журналистиканинг ўз спецификаси мавжуд бўлгани ҳолда, уларнинг ҳамкорлиги барқарордир. Чунки ҳар иккисининг биринчи элементи – тил, ҳамкорлиги тарихан шартлангандир. Фалсафий жиҳатдан фольклор ОАВга нисбатан хусусийлик, ОАВ фольклорга нисбатан умумийлик характерига эга.

Адабиётлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.III. Н-Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев ва бошқ. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2006, 395-б.
2. Jahon jurnalistikasi tarixi. O‘quv qo‘ll./F.A.Mo‘minov, A.Nurmatov, M.O.Soliyeva va boshq. -T.: O‘zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti, 2006. 8-б.
3. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. -М.: “Высшая школа”, 1989. -С. 81.
4. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча – ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1979. 281-б.
5. Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. -Т.: «Янги аср авлоди», 2007, 57-78-б.
6. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник. 3-е издание. СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2001. -С. 3.

РЕЗЮМЕ

Ушбу тадқиқотда ахборот алмашув, ўзаро мулоқот жамият мавжудлиги ва ривожланишининг муҳим шарти эканлиги, қадимги давр журналистикаси – протожурналистика ва фольклорнинг синкретлиги, фольклор ташувчилари, қадимги давр мифологияси, архаик динлар ибтидоий ахборот воситалари бўлгани, журналистика ва фольклоршуносликнинг умумий ва фарқли жиҳатлари ҳақида сўз боради. Журналистикада оммавий коммуникациялар тарихан икки даврга тасниф қилинишига тааллуқли илмий изланишлар назарий жиҳатдан ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В данном исследовании рассматриваются обмен информацией, взаимодействие как важное условие существования и развития общества, синкретизм античной публицистики - протожурналистики и фольклора, носители фольклора, античная мифология, архаические религии как первичные медиа, общие и различные аспекты журналистика и фольклор. В журналистике теоретически изучены научные исследования, связанные с исторической классификацией массовых коммуникаций на два периода.

SUMMARY

This study discusses the exchange of information, interaction as an important condition for the existence and development of society, the syncretism of ancient journalism - proto-journalism and folklore, folklore carriers, ancient mythology, archaic religions as primary media, common and different aspects of journalism and folklore. In journalism, scientific research related to the historical classification of mass communications into two periods has been theoretically studied.

ЖИЙЕН-ЖЫРАЎ АМАНЛЫҚ УЛЫНЫҢ ӨМИРИ ҲӘМ ДӨРЕТИЎШИЛИГИН ЖАҢАША КӨЗҚАРАСТА ҮЙРЕНИЎДИҢ АЙЫРЫМ МӘСЕЛЕЛЕРИ

К.Алламбергенов – *филология илимлериниң докторы, профессор*
Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: Жийен жиров Аманлиқ ўғли, 1730-йил, А.Каримов, К.Мамбетов, Қ.Султанов, Жийен Жиров шажараси жадвали, 1710-йил, 1784-йил, 74 ёш.

Ключевые слова: Жиен Жиров Аманлыг оглы, 1730 г., А.Каримов, К.Мамбетов, К.Султанов, родословная таблица Жиен Жиров, 1710г., 1784г., 74 года.

Key words: Jiyen Jirov Amanliq oglu, 1730-y, A.Karimov, K.Mambetov, K.Sultanov, Jiyen Jirov family tree table, 1710-y, 1784-y, 74 years.

Жийен-жыраў шығармаларына ҳәм басқа да дәреклерге қарағанда, ол XVIII әсир қарақалпақ әдебиятының бирден бир ҳәм көрнекли ўәкили болып табылады. Шығармаларының идеялық-көркемлик бағыт-бағдарлары ҳәм сыпатлы белгилери оның улыўма халықлық, улыўма инсаныйлық мәселелерди жоқары көркемлик сапада ҳәм шыншыллық көзқараста сөз еткен ҳақыйқатшыл, халықшыл, ўатанпәрўар ҳәм инсанпәрўар уллы шайыр болғанлығын көрсетеди.

Бирақ, ҳәзирге дейин әдебияттаныў илими оның қайсы жылы туўылып, қайсы жылы қайтыс болғанлығы ҳаққында анық бир мағлыўматларға ийе емес. Жийен-жыраў ҳәм дөретиўшилигин арнаўлы изертлеген алым А.Каримовтың изертлеўине қарағанда, ол шама менен 1730-жылы Жаңа дәрья бойында жарлы қарақалпақ (мүйтен руўы, абыз тийреси) Аманлықтың шаңарағында туўылып, 1784-жылы Арал теңизи әтирапларында қайтыс болған [1].

Бул аксиомаға айланған фактлер қарақалпақ әдебияттаныў илиминде 30-40-жыллардан берли турақлы өмир сүрип киятыр! Мәселен, Қ. Айымбетов шайырдың «Посқан ел» поэмасының дәслепки басылымына жазған алғы сөзинде, Жийен-жыраў қарақалпақлар ата журты Түркстаннан өзлериниң ески ана ўатаны Хорезмге қайта айналып келген дәўиринде (XVIII әсирдиң 60-жылларында) 30-35 жаслар шамасында болыўы керек, деп болжайды [2]. Бул дәреклерде Жийен-жыраўдың әкесиниң исми-шәрийпи ҳаққындағы мағлыўмат та XX әсирдиң 60-жылларына шекем «Жийен жыраў Тағай улы» деп ҳеш өзгериссиз айтылып келди.

60-жыллардағы илим изертлеў жумысларында атап айтқанда, А.Кәримовтың арнаўлы шәртлеўинде оның Тағай улы емес, Аманлық улы екенлигин дәстиярлы дәлилленсе де, туўылған, өлген жыллары сол бурынғы шамалаўлар ҳалында қалдырылды.

Биз де А.Каримовтың Жийен-жыраў Тағай улы емес, Аманлық улы деген дәлиллеўлерине толық қосыламыз ҳәм оның бул фактти дәлиллеў ушын келтирилген мағлыўматлары дурыс ҳәм исенимли деп айтамыз. Илимпаздың информаторлардан келтирген мағлыўматларына қарағанда, Жийен-жыраўдың әкеси, ҳақыйқатында да, қарақалпақлардың мүйтен руўы, абыз тийресинен шыққан өз дәўириниң белгили тарийхый тулғаларының бири Аманлық деген киси болған. Аманлықтың Алыбай, Толыбай, Айбос, Ораз, Жийен, Сарыбай деген алты баласының бири Жийен-жыраў, мине, сол алты улдың бесиншиси есапланған [3].

Қарақалпақлар ата журты Түркстанды таслап көшкенде, бул алты улдың үшеўи (Алыбай, Толыбай, Сарыбай,) Бухара тәрепке көшеди де, үшеўи (Айбос, Ораз ҳәм Жийен-жыраў) Арал теңизи жағалықларына, Әмиўдәрьяның төменги қуярлығына келип қоныс басады. Дәслеп Сай жол деген орында, соң Тербенбес, Көк өзек, бойларында, Муңайтпас, Терис төбе деген